Транспортёр Т – 46 А ни қабул қиламиз.

Тасма узунлиги - 80 м

Тасма эни - 500мм,

Тасмани харорат тезлиги - 1,3 м/сек

Электр двигател қуввати - 7 кВт

Айланиш тезлиги - 1440 айл/мин

Шнек унумдорлигини бетон заводини 1 соат сарфлайдиган цемент миқдори билан аниқлаймиз:

$$Y_{un} = \Pi_m * Y_{\delta z} = 0,25 * 8,66 = 2,16 \text{ т.}$$

Шнеклар 30–40 метрли бўлимлардан иборат бўлади. Шнекнинг унумдорлигини билиб, қуйидаги формула орқали унинг ўлчамларини топиш мумкин.

$$U_{\text{шн}} = 15 * F * S * n$$

Бу ерда: F – 6 м² юзали шнек;

S – шнек бурамасининг қадами, м.

n – бураманинг айланиш тезлиги, айл/м.

Шнекнинг техник тавсифи:

Узунлиги – 40м,

Унумдорлиги – $J_{\text{шн}} = 0,35 - 5,4$ м³/соат,

$n=70$ айл/мин

Ўлчамлари: диаметри – 200мм

Қадами – 160мм,

Электродвигател қуввати – 0,2 кВт.

Элеваторлар.

Элеваторлар унумдорлиги шнек унумдорлигига мос келиши керак. Шнек унумдорлиги бўйича танлаймиз:

T – 50 русумли чўмичли элеватор.

Энг катта қўтариш баландлиги – 17 м;

Унумдорлиги - 14 т/соат;

Чўмич хажми – 0,76л,

Қадами-300мм;

Кенглиги – 135мм

III- Bo`lim.

Qurilishni tashkil etish

- 3.1. Обьектни жойлашган ўрни ва қурилишни амалга ошириш тартиби**
- 3.2. Қурилиш учун турар жойлар**
- 3.3. Қурилишни электр таъминоти**
- 3.4 Қурилишда алоқа**
- 3.5. Қурилишда сув таъминоти**
- 3.6. Календар режалаштириш**

III. БЎЛИМ

ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Объектни жойлашган ўрни ва қурилишни амалга ошириш тартиби

Лойиҳаланаётган объект маъмурий хўжалик бўлиниши бўйича Андижон вилояти Балиқчи туманига киради. Вилоят марказидан объектгача 45 км, туман марказигача – 15,0км. “Замбарқўл-1” хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажариш учун бош пудратчи қилиб “Ўзсувмахсуспудрат” нинг “Улуғнорсувмахсуспудрат” Давлат унитар корхонаси (ДУК) тендер ёлиби сифатида белгиланади.

Қурилиш муддати ҚМ ва Қ 1.04.03-97га асосан 650 кун (27 ой)ни, шу жумладан тайёргарлик даври 3 ой, қабул қилинади. Қурилишга керакли материаллар 45 км.гача масофадан автомобил транспорти билан ташилади. Қурилишда иштирок этадиган ишчилар сони, асосий ва ёрдамчи объектлар биргаликда қурилиш-монтаж ишларининг хажмига қараб белгиланади.

Қурилиш учун турар жойлар, қурилишни электр таъминоти, алоқа, сув таъминотини ҳисоблаймиз.

3.2. Қурилиш учун турар жойлар

Қурувчилар яшаш жойидаги аҳоли сонини аниқлаш ва улар керакли яшаш ва маданий-маиший биноларни аниқлаш:

$$N = \frac{A * 1,1 * 1,85}{T * B} * K$$

Бу ерда: А – қурилиш қиймати, 2498346 минг сўм.

1,1 – максимал йиллик қурилиш дастури хажмини аниқловчи коэффициент;

1,85 – ёрдамчи – қўшимча ишларда, ИТХ, кичик хизматчи шахслар ва бошқаларни ҳисобга олувчи коэффициент;

К_о – оилавийлик коэффициенти; К_о = 1,875

Т – қурилиш муддати, 27 ой=2,25 йил

В - бир ишчининг ўртача йиллик унумдорлиги 22713минг сўм.

$$N = \frac{A * 1,1 * 1,85}{T * B} * K = \frac{2498346 * 1,1 * 1,85 * 1,875}{2,25 * 22713,0} = 187 \text{ нафар}$$

Ҳар бир киши учун ўртача 6 м² жой керак бўлади. q=6 м²

$$F=N*q=187*6=1122\text{м}^2$$

Қурилиш учун керакли ишчиларни яшаш жой билан қуйидагича таъминланади:

1. Турар жойга эга бўлган маҳаллий аҳолини ишга жалб қилиш (25% гача):

$$F_m=F*0,25= 1122*0,25=280 \text{ м}^2$$

2. Мавжуд маҳаллий яшаш жойларидан (ижара) фойдаланиш (15% гача)

$$F_{\max}=F*0,15=1122*0,15=168 \text{ м}^2$$

3. Келгусида эксплуатация ходимлари учун мўлжалаб қуриладиган 2 дона уйдан фойдаланиш ҳисобига:

$$F_9=30*2=60 \text{ м}^2$$

4. Кўчма ётоқхона вагонларидан яшаш уйларини қуриш:

$$F_{\text{кё}}=F-(F_m+F_{\text{мав}}+F_9)=1122-(280+168+60)=614 \text{ м}^2$$

3.3. Қурилишни электр таъминоти.

Қурилиш майдонини электр энергияси билан таъминлашда ЖЭС – 30 кўчма электростанциядан фойдаланилади.

Керакли қувват қуйидагича аниқланади:

$$P = \frac{1,1}{\cos \varphi} * K_c * (P_c + P_u + P_m + P_k);$$

бу ерда 1,1 – тармоқларда қувватни йўқолишини ҳисобга олувчи коэффициент;

Кс – энергия қувватига сўров коэффициенти Кс=0,6÷1,0;

P_c – қувват ишловчиларнинг умумий миқдори, $P_c=24.75$ кВт;

P_u – ички ёритиш учун, $P_u=10,25$ кВт;

P_m – ташқи ёритиш учун, $P_m=12,0$ кВт;

P_k – қишки ишлар учун қувват, $P_k=12,0$ кВт;

$\cos \varphi$ – тармоқ қуввати коэффициентлари, $\cos \varphi = 0,75$.

$$P = \frac{1,1}{\cos \varphi} * K_c * (P_c + P_u + P_m + P_k) = \frac{1,1}{0,75} * 0,7 (24,75 + 10,25 + 12,0 + 12,0) = 60,5 \text{ кВт}$$

2 та ЖЭС – 30 кўчма электростанциядан фойдаланилади.

3.4 Қурилишда алоқа

Объектни қуриш учун бош пудратчи қилиб олинган “Ўзсувмахсуспудрат” нинг Улуғнор Давлат унитар корхонаси (ДУК) туман ва вилоят марказлари билан алоқаларини таъминлаш учун “Ҳосил” типдаги радио алоқа, ёки селектр алоқаси билан таъминланади. Имконият даражасида уяли телефон алоқаларидан ҳам фойдаланиш кўзда тутилади.

3.5. Қурилишда сув таъминоти

Қурилишни сув билан таъминлаш яқин жойда жойлашган сув таъминоти тармоғига улаш орқали амалга оширилади.

Муваққат сув қувури техник, маиший ва ёнғинга қарши зарур бўлган сув миқдори бўйича ҳисобланади.

Қурилиш учун зарур сув миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

а). Ишлаб чиқариш таъминоти учун:

$$Q_u = \frac{q * K}{8 * 3600}$$

Бу ерда: q – ишлаб чиқариш учун сменада зарур бўлган сув сарфи;

K_1 – қурилишни сув таъминоти учун смена нотекислиги коэффициентлари, $K_1=1,5$

$$Q_u = \frac{q * K_1}{8 * 3600} = \frac{30500 * 1,5}{8 * 3600} = 1,58 \text{ л/с}$$

Б) маиший заруратлар учун;

$$Q_m = \frac{q * K_1}{8 * 3600} = \frac{17200 * 2,8}{8 * 3600} = 1,67 \text{ л/с}$$

Умумий ёнғинга қарши зарур бўлган сув миқдорини ҳам қўшиб ҳисоблаймиз;

$$Q = Q_u + Q_m + Q_{\text{ё}} = 1,58 + 1,67 + 0,80 = 4$$

,05л /с

3.6. Календар режалаштириш

Календар режанинг асосий вазифаси бир томондан қурилиш объектларини ўз вақтида ишга туширишни, иккинчи томондан эса, бутун ишлаб чиқариш бўлимларини доимий ва тўла-тўқис иш билан таъминлашдан иборат бўлади. Объект бўйича календар режалаштириш 4–расмда берилган.

КАЛЕНДАР РЕЖА

IV - Бўлим

Меҳнат муҳофазаси, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

4.1. Меҳнат муҳофазаси ҳақида асосий тушунча ва тамойиллар

4.2. Аҳолини бўлиб жойлаштириш ва эвакуация қилиш

1V БЎЛИМ

МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ, ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ

ХАВФСИЗЛИГИ

4.1. Мехнат муҳофазаси ҳақида асосий тушунча ва тамойиллар

Мехнат муҳофазаси-иш шароитида инсон хавфсизлиги, саломатлиги ва иш қобилиятини оширишни таъминловчи қонунлар системаси ҳамда уларга мувофиқ келадиган социал-иқтисодир. Ташкилий, техникавий гигиеник ва даволаш профилактикаси тадбирлари ҳамда воситалари

Иш жойларида тўлиқ зарарсиз ва хавфсиз ишлаш учун шароит яратиш амалда мумкин эмас. Шу сабабли меҳнат муҳофазасининг вазифаси зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ишловчиларга таъсирини энг кам даражага келтиришга имкон берадиган чора-тадбирларни кўришдан, ишчининг шикастланишини олдини олишдан, юқори меҳнат унумдорлигига эришишга ёрдам берадиган қулай шароитларни яратишдан иборат.

Техника хавфсизлиги-ишловчиларга ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигини, унинг олдини оладиган ташкилий чора-тадбирлар ва техника воситалари тизими.

Ёнғин хавфсизлиги-объектда ёнғин пайдо бўлиш хавфини олдини олиш, шунингдек моддий бойликларни муҳофаза қилишдан иборат.

Ишлаб чиқариш санитарияси-ишлаб чиқаришдаги зарарли омиллар таъсирини олдини оладиган чора-тадбирлар ва техника воситалари тизими.

Ишлаб чиқаришдаги хавфли омиллар ишлаб чиқаришда ишловчиларга муайян шароитларда таъсир этганда шикастланишга ёки соғлиқнинг кескин ёмонлашувига таъсир этадиган омил. Бунга мисол қилиб, ҳаракатланаётган машина, трактор, юк кўтариш воситалари билан кўтарилган юк, машина ва механизмларнинг муҳофазаланмаган айланувчан ва қайта ҳаракат қилувчи қисмлар (кардонли, занжирли, тишли, тасмали узатма)нинг ҳаракати хавфли омиллар қаторига киради.

Ишлаб чиқаришдаги зарарли омил- ишчиларга иш вақтида таъсир этиб касалланишга ёки иш қобилиятининг пасайишига олиб келадиган омил.

Зарарли омилларга нефть маҳсулотлари (бензин, дизель ёнилғиси буғлари, пецидидлар, минерал ўғитлар, чанг, шовқин, вибрация, тебраниш, иш шароитида касалликни ортиши ёки кучли ёритилганлиги, иқлим шароитлари ва бошқалар киради.

Электр хавфсизлиги-кишиларни электр токи, электр ёки, электр магнит майдонининг зарарини ҳамда хавфли таъсирдан муҳофаза қилишни таъминлайдиган ташкилий ва техник чора тадбирлар тизими.

Шикастланиш- ишлаб чиқаришдаги зарарли ёки хавфли таъсирлар натижасида инсон органлари ёки тери қопламанинг физиологик бир бутунлигини бузилиши

Меҳнат шароити- меҳнат жараёнида инсоннинг саломатлиги ва иш қобилиятига таъсир этадиган омиллар мажмуи.

Шахсий химояланиш воситалари-бир ходимни муҳофаза қилиш учун хизмат қиладиган воситалар. Шахсий химояланиш воситаларига- иш кийими, пойафзал, газ ниқоблар, респираторлар, ниқоб, химоя кўзойнаклари ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса-иш вақтида юз берадиган ходиса.

Касб касаллиги киши организмига иш шароитларининг зарарли таъсири натижасида келиб чиққан (сурункали чангли бронхитлар, терлаш касаллиги, хар хил кимёвий препаратлар билан зараланиш) касалликдир.

Иш жараёнида хаво таркибидаги зарарли моддаларнинг меъёрий рухсат концепцияси (МРК)- 8соатли ёки бошқа иш куни шунингдек, хафтасига 40 соатдан ортиқ бўлмаган, ишлаши давомида касаллик ёхуд соғлигида ўзгаришлар келтириб чиқармайдиган миқдор.

Илмий техник тараққиёт меҳнат шароитига бир хилда таъсир кўрсатмайди Афсуски, меҳнатни енгиллаштириш бир пайтда, юз бериш мумкин бўлмаган шикастланишлар ва касалликлар хавфини оширади. Бу биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида мураккаб ва қувватли техникаларни, ишлаб чиқариш жараёнлари тезлигини ошиб бориши, интенсив технологияни тадбиқ этилишини талаб этади. Шу билан бир қаторда янги кимёвий

препаратларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этилишини, ишчи организмига рухий зўриқишнинг ошиб кетишини ҳисобга олади.

Муҳим ишлаб чиқаришдаги хавфли омиллардан инсонни ишончли химоялашда ялпи воситаларни ишлаб чиқариш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишни талаб этади. Шу билан бир қаторда янги кимёвий препаратларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этилишини ҳисобга олади. Муҳим ишлаб чиқаришдаги хавфли омиллардан инсонни ишончли химоялашда янги воситаларни ишлаб чиқариш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш керак.

4.2. Аҳолини бўлиб жойлаштириш ва эвакуация қилиш

Аҳолини бўлиб жойлаштириш ва эвакуация қилиш- бу қирғин қуролидан химоя қилиш усулларида бири ҳисобланади. Аҳолининг бўлиб жойлаштириш-бу уруш даврида шаҳарларда ўз ишини давом эттириш учун қолган корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларини ташкилий равишда транспортдан ёки пиёда олиб чиқиш ҳамда шаҳар ташқарисидаги зонада жойлаштириш демакдир. Бўлиб жойлаштириладиган кишилар категориясига, шунингдек, шаҳар ҳаётий фаолиятини таъмин этувчи объектлар персоналлари ҳам киритилади. (масалан, коммунал хўжалик ходимлари ҳам шу категорияга кирадилар). Бўлиб жойлаштирилган кишилар корхонанинг (объектининг) ишлаб чиқариш даврига мувофиқ вақти-вақти билан шаҳарга келиб-кешиб турадилар

Эвакуация бу қолган аҳолини шаҳардан ташқаридаги зонага транспортда ва пиёда олиб чиқиб кетишдир. Бўлиб жойлаштирилган кишилардан фарқли ўлароқ, эвакуация қилинган кишилар алоҳида фармойиш чиқарилгунча шаҳар ташқарисидаги зонада доимий равишда яшайверадилар. Аҳолини бўлиб жойлаштириш ва эвакуация қилиш режалаштириладиган шаҳарлардаги ҳар бир корхона, муассаса ва ўқув юртига шаҳардан ташқари ҳудудда аҳолини жойлаштириш тумани белгиланади. Бўлиб жойлаштириш тумани автомобиль магистрал йўлларига яқин бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини жойлаштиришда ишлаб

чиқариш тамоилларига риоя қилинади. Бунда ишчилар сменасини шаҳарга-ишга жўнатиш, одамларни овқат билан таъминлаш, медицина хизматлари ҳамда бошқа масалаларини ҳал қилиш енгиллашади.

Ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини бўлиб жойлаштириш ҳамда эвакуация қилиш ишлаб чиқариш принципи бўйича амалга оширилади, яъни халқ хўжалик объектлари йўли билан ташкил қилинади ва ўтказилади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган аҳолини эвакуация қилиш территориал принцип бўйича яшаш жойларига қараб, уй бошқармалари ҳамда турар жойлардан фойдаланиш идоралари орқали амалга оширилади. Болалар одатда, ота-оналари билан ва болалар боғчаси ходимлари билан бирга эвакуация қилиш ҳам мумкин.

Аҳолини бўлиб жойлаштириш ва эвакуация қилиш одатда душманнинг хужум хавфи пайдо бўлган даврда ўтказилади, уни шаҳар ГМ нинг бошлиқлари ҳамда шаҳардаги туман ГМ бошлиқлари ва уларнинг органлари ташкил этадилар. Эвакуация тадбирларини бевосита ўтказиш иши билан халқ хўжалик объектлари ГМ нинг бошлиқлари ва штаблари, уй бошқармалари ва уй-жойлардан фойдаланиш идораларининг бошлиқлари ҳамда шаҳарларда (шаҳар ичидаги туманларда) ташкил этиладиган эвакуация комиссиялари шуғулланадилар.

Аҳолини бўлиб жойлаштириш ва эвакуация қилиш эълон қилингач, уни жуда қисқа муддатларда ўтказиш керак.

Бу тадбирларни амалга ошириш учун ҳарбий юкларни ҳамда энг зарур ишлаб чиқариш ва хўжалик юкларини ташиши билан банд бўлмаган барча турдаги жамоат транспорти (темир йўл, автомобиль, сув транспортидан, шунингдек, шахсий транспорт) дан ҳам фойдаланилади. Аҳолини бўлиб жойлаштириш ва эвакуацияга раҳбарлик қилиш учун объектларда эвакуация комиссияси ашқил қилинади, қайта объектларда эса йиғувчи эвакуация пунктлари ташкил этилади.

Эвакуация комиссияси составига (профком), кадрлар бўлими, объект штаби ва ГМ хизматчилари, партбюро, цех бошлиқлари ва ГМ бошлиғининг

карорига биноан бошқа шахслар кириши мумкин. Объект бўйича эвакуация комиссиясининг раиси қилиб шу объект раҳбарининг ёрдамчиларидан биттаси тайинланади.

Аҳолининг бўлиб жойлаштириш ва эвакуация қилиш СЭП орқали ўтказилади. Бу пунктларда одатда мактаблар, клублар ва бошқа бинолар ажратилади. Аҳолининг автотранспортда олиб чиқиш учун объекларда пиёда юрувчиларга мўлжалланган туманларга яқинроқ жойлашган маршрут бўйича йиғиш керак. Аҳолининг бўлиб жойлаштириш ва эвакуация ўтказиш. Бўлиб жойлаштириш ва эвакуация қисқа муддатда ўтказилади. Бунинг учун (махсус ишлар билан банд бўлмаган) транспортнинг ҳамма турларидан фойдаланилади.

Объект ГМ бошлиғи эвакуация ва бўлиб жойлаштириш тўғрисида кўрсатма олгандан сўнг эвакуация чораларини тайёрлаш лозим. Объект ГМ бошлиғи аҳолини бўлиб жойлаштириш ва эвакуация қилиш чоратadbирларини кетма-кет ўтказилиши учун ГМ штабига ва эвакуация комиссиясига эвакуация ўтказиш вазифаларини топширади ва улар устидан назорат қилиб туради.

Шунинг эсда тутиш керакки, душманнинг ядро қуролининг портлатиши бўлиб, жойлаштириш ва эвакуация ўтказиш вақтида ҳам содир бўлиши мумкин. Бундай холларда шароитга қараб ҳаракат қилиш тавсия этилади. Агар ҳаво тревогаси “сигнал” одамлар уйида бўлган вақтда берилса, унда кўни-қўшнилари оғоҳлантириб, яқинроқ пана жойларга бекиниш керак. Агар сигнал одамларни СЭП га томон ҳаракат йўлида ёки шу пунктда бўлганда берилса зудлик билан бирорта яқин пана жойга бекиниш лозим. **“Ҳаво тревогаси” отбой!** сигналидан кейин бўлиб жойлаштириш ва эвакуация яна давом эттирилади.

V - Бўлим

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш

5.1. Атроф муҳитини муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар.

5.2.Сизот сувларнинг йиллик оқимини аниқлаш

5.БЎЛИМ

АТРОФ МУҲИТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

5.1. Атроф муҳитини муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар.

Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун амалга ошириладиган тадбирлар – атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи муҳим воситадир.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ўзлаштириш ва уларни қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун киритиш, табиатга, атроф муҳитга ижобий таъсир қилишнинг муҳим омилларидан ҳисобланиб, ҳозирги куннинг долзарб масалалари қаторига киради.

Битирув малакавий ишининг асосий вазифаларидан бири Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Замбаркўл-1” коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини ташкил этиш ва бажариш лойиҳаси объектида коллектор тизими жойлашган 3057 гектар ерларда мелиоратив объектларни тизимли тозалаш, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш натижасида ерларни мелиоратив ҳолати шунингдек, суғориладиган ерлардан ер ости сувларини оқиб чиқиб кетишини яхшилаш кўзда тутилади. Объект Балиқчи туманидаги «Улуғбек», «Х.Эргашева», «Намуна», «Бўстон», «Аралхон», «Олимбек», «Навоий» ва «Чинобод» номли массивлардаги фермер хўжаликларининг майдонларидан иборат. Кўзда тутилган фермер хўжаликлари ерларидаги мавжуд коллектор – зовур тармоғи қониқарсиз ҳолатда бўлиб, уларнинг ўртача чуқурлиги 1,0дан 2,0 м гачадир.

Мавжуд 261,520км шу жумладан, 7,13км туманлараро, 154,39 хўжаликлараро зовур тармоғини тизимли тозалаш билан фермер хўжаликлари ерларини мелиоратив ҳолатини тубдан ўзгартириш эвазига қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини оширишдан иборат.

Коллектор–зовурлар, сув йиғувчи–ташлама тармоқлари, улардаги иншоотлар қурилишида ва ерларни мукамал текислаш ишлари жараёнида

ҳавони чанг ва бошқа моддалар билан ифлосланишини олдини олиш мақсадида:

- Тупроқ қатламини энг мақбул камчиликда ушлаб туриб, қурилиш машиналари билан ишланади;
- Тупроқларни ҳосилдор қатламини ушлаб қолувчи технологияни қўллаш, уни мустаҳкамлигини оширувчи қишлоқ хўжалик экинлари турларини танлаб экилади;
- Ҳавони машина ва механизмлардан ишлаб чиқилган заҳарли газлардан сақлаш, уларни камайтириш чораларини кўрилади.

Закан ва зовур, сув йиғувчи – ташлама тармоқларини фаолиятини яхшилаш эвазига атроф ерларни мелиоратив ҳолати ер ости сувларини сатҳини кўтарилишидан сақланиши ҳисобига бир меъёрга ушлаб турилади.

Шу билан бирга лойиҳада кўзда тутилган мелиоратив тадбирлар атроф муҳитга салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Буларга ёввойи ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини суғориш тармоғи атрофида, мелиорацияланган ерлар ҳудудида яшаши қийинлашади, чунки уларни овқатланиш имкониятлари, яшаш шароити, кўпайиши ва қушларни беркиниши қийинлашади, сув ичишга ва бир жойдан иккинчи жойга бемалол кўчиш имкониятлари камаяди.

Мелиоратив қурилиш ишларини олиб бораётганда, ерлар фойдаланилаётганда табиатни ҳолатини керагидан ортиқ бузилишга эътибор бериш лойиҳани амалга ошираётгандаги асосий вазифалардандир.

5.2.Сизот сувларнинг йиллик оқимини аниқлаш

Суғориладиган шўрланган ерларда сизот сувлар сатҳини критик чуқурликдан (критик чуқурлик – тупроқларни шўрланиш ва ботқоқланишига олиб келадиган чуқурлик) юқорига кўтарилиб кетиши уларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради. Агар сизот сувлари шўрланган бўлса тупроқлар шўрланади, аксинча сизот сувлари эр сатҳига яқин бўлиб чучук бўлса тупроқлар ботқоқланади. Шу ўринда сизот сувларнинг сатҳини кўтарилиб кетишини олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш керак бўлади. Бунга

уларни далалардан доимий ҳолда чиқариб юбориш орқали эришилади. Тупроқдан тузларни ортикча сатҳини чиқариб юборишда зовурларнинг йиллик оқимини тартибга солиш орқали эришилади.

Минераллашган сизот сувлар етарли даражада оқиб кетмайдиган шароитларда, одатда, тупроқнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашади ва иккиламчи шўрланиш аломатлари пайдо бўлади. Демак, суғориладиган шўрланган ерларида тупроқдан тузларнинг ортикча миқдорини чиқариб ташлашни тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини оширишни таъминлайдиган зовур оқимининг йиллик қийматини аниқлаш муҳимдир.

Сизот сувларнинг йиллик оқимини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Бунинг учун тупроққа тушадиган атмосфера ёғинларини, суғориш тармоқларидан тупроққа шимилиб кетган сувнинг сатҳини, транспирация сарфи ва бошқаларни ҳисобга олиб борилади ҳамда зовур оқимининг қийматларини берилганлар асосида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Др = (Os + Op + \Phi_k + П + P) - (B + Tr + O)$$

бу ерда::

Др – зовур оқими, м³/га;

Os– тупроққа тушадиган атмосфера ёғинлари, м³/га;

Op – шўр ювиш ва мавсумий суғоришлар ҳисобига 1 га экин майдонга бериладиган сувнинг сарфи (нетто), м³/га;

Φк – суғориш тармоқлардан сувнинг фильтрацияга исроф бўлиши, м³/га;

П – ер ости сувларининг келиб туриш сарфи, м³/га;

Р – сизот сувларнинг оқиб келиши, м³/га;

В – тупроқдан буғланишга сув сарфи, м³/га;

Tr – ўсимликлар транспирацияси учун сув сарфи, м³/га;

О – сизот сувларнинг тупроқ остидан оқиб кетиши, м³/га.

Сизот сувларнинг йиллик оқимини аниқлаш жараёнида шўр ювиш ва мавсумий суғоришлар ҳисобига экин майдонига бериладиган сувнинг сарфи, ер ости сувларнинг келиб туриш сарфи, тупроқ сиртидан буғланишга сув сарфи ва сизот сувларнинг тупроқ остидан оқиб кетиш миқдорлари берилган бўлиб, аммо тупроққа йил давомида тушадиган ёғингарчилик миқдори, суғориш тармоқларидан сувнинг исроф бўлиши ва ўсимликлар томонидан транспирацияга сарф бўлган сувнинг сарфини ҳисоблаб чиқиш керак бўлади.

Бир йилдаги атмосфера ёғинлари қийматини (O_s) ёғингарчиликлар йиғиндисини ёғин сувларини тупроққа сингиш қисмини ҳисобга олувчи коэффициентга кўпайтириш йўли билан аниқланади ва у қуйидагича амалга оширилади:

$$O_s = \frac{\sum O_s \times K_f}{100}$$

бу ерда: $\sum O_s$ – ёғингарчиликлар йиғиндисини, мм

K_f – ёғин сувларидан фойдаланиш коэффициенти

Бир мм сув қатлами 1 гектарда 10 м^3 ҳажмни ташкил этишини ҳисобга олсак, тупроққа сингувчи сув сарфи шунга асосан ҳисобга олинади.

Суғориш тармоқларидан сувнинг филтрацияга сарфланиш қийматини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\Phi_k = \frac{1 - \eta}{\eta} \cdot O_p,$$

бу ерда:

O_p – суғориш меъёри (нетто), $\text{м}^3/\text{га}$;

η - суғориш каналларининг фойдали иш коэффиценти.

Сўнгра ўсимликлар орқали транспирацияга сарф бўлган сувнинг сатҳи ҳисоблаб чиқилади. Одатда суғориш жараёнида сувнинг транспирацияга сарфи 70-75% ташкил қилиб, 25-30% сув бевосита тупроқ устидан буғланиш йўли билан йўқолади. Шундан келиб чиқиб, транспирацияга сарф бўлган сувнинг қийматини қуйидагича ҳисоблаб топилади:

Тупроқ сатҳидан буғланган сув – 27%

Зовур оқимини йиллик қийматини аниқлаймиз: бир йилда ёғадиган атмосфера ёғинлари (Ос) – 180мм; тупрокни намиқтиришда улардан фойдаланиш коэффиценти (Кф) – 63; шўр ювишда ва мавсумий суғоришларда 1 га майдонга бериладиган сув (Оп нетто) – 7800 м³/га; хўжалик суғориш тизимининг фойдали иш коэффиценти – 0,73; сизот сувларнинг оқиб келиши (П) – 1800 м³/га; ер ости сувларнинг келиб туриши (П) – 2100 м³/га; тупроқдан буғланишга сув сарфи (Б) – 1820 м³/га; жами сув сарфидан ўсимликлар транспирацияси сарфи (Тр) – 74 %; сувнинг тупрок остидан бошқа далаларга оқиб кетиши (О) – 1410 м³/га.

Дастлаб тупроққа тушадиган атмосфера ёғинлар сарфи ҳисоблаб чиқилади. Ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q_s = \frac{\Sigma Q_s \cdot K_f}{100} = \frac{165 \cdot 63}{100} = 104 \text{ mm}$$

Бир мм сув қатлами 1 гектарида 10 м³ ни ташкил этишини ҳисобга олсак, тупроққа сингувчи сув сарфи шунга асосан 115,2 х 10=1152 м³/га бўлади.

Суғориш тармоғидан сувнинг фильтрацияга сарфини ҳисоблаб чиқилади ва у қўйидагича аниқланади.

$$\Phi_k = \frac{1 - \eta}{\eta} \cdot Q_r = \frac{1 - 0,73 \cdot 7800}{0,73} = 2106 \text{ m}^3 / \text{ga}$$

Транспирацияга сарф бўлган сувнинг қиймати қўйидагича ҳисобланади:

$$X = \frac{1820 \cdot 73}{27} = 4921 \text{ m}^3 / \text{ga}$$

Олинган қийматларни формулага қўйиб, зовурларнинг йиллик оқими аниқланади:

$$Dr = (1152 + 7800 + 2106 + 2100 + 1800) - (1820 + 5460 + 1410) = 14958 - 8690 = 6258 \text{ m}^3/\text{ga}$$

VI - Bo`lim.

Texnik - iqtisodiy ko`rsatkichlar

**6.1. Сметага тушунтириш ёзувлари. Жорий нархлардаги
объектнинг ҳисоб-китобга тушунтириш хати**

6.2. Лойиҳанинг иқтисодий асоси

6.3. Иқтисодий ҳисоблар

V1.Техник – иқтисодий кўрсаткичлар

6.1. Сметага тушунтириш ёзувлари. Жорий нархлардаги объектнинг ҳисоб-китобга тушунтириш хати

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Замбаркўл-1” хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини ташкил этиш ва бажариш лойиҳасининг бошланғич нархлардаги ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги “Марказлашган капитал қўйилмалари ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида” ги 261 – сонли қарори талабларига асосан ресурс методида ҳисоблаб чиқилди (ШНК 4.01.16-04).

Иш ҳақи харажатларини ҳисоблаш. $C_{\text{ихх}} = T_{\text{мс}} * C_{\text{ўсйх}} * K_{\text{ис}}$ формуласи билан бажарилади.

бу ерда: $T_{\text{мс}}$ – ресурс қайдномалар бўйича ишчи қурувчилар меҳнат сарфи (киши/с); $C_{\text{ўсйх}}$ – вилоят бўйича қурувчиларнинг ўртача статистик ойлик иш ҳақи даражасидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи. Ишчиларнинг ўртача 1 соатлик иш ҳақи қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_{\text{ўсйх}} = C_{\text{ўоих}} : \Phi$$

Андижон вилояти статистика бошқармаси томонидан берилган № 2 – 09/21 маълумотномага асосан ўртача ойлик 605682 сўм қабул қилинган, 1 ойдаги иш соатлари сони –170.08 с. Бир соат иш ҳақи қиймати:

$$C_{\text{ўсйх}} = 605682 : 170.08 = 3561 \text{ сўм.}$$

$K_{\text{ис}}$ – ижтимоий суғурта ажратмаси миқдори, асосий ойликдан 25%.
 $K_{\text{ис}} = 1,25$.

$$C_{\text{ихх}} = T_{\text{мс}} * C_{\text{ўсйх}} * K_{\text{ис}} = 99876 * 3561 * 1,25 = 444573 \text{ минг сўм.}$$

Умумий иш ҳақи миқдори 444573 минг сўм..

Машина ва механизмлар сарфи ҳисоби, ушбу машина ва механизмлар норматив талаби ва уларнинг республикамизда шаклланган 1 машина соатнинг нархининг қийматлари асосида қабул қилинган.

Машина ва механизмлар сарфи: $C_{мм} = 900699$ минг сўм.

Пудратчининг турли сарф харажатлари 20,06% миқдорида қабул қилинди.

$C_{псх} = 51526$ минг сўм.

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Замбаркўл-1” хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини ташкил этиш ва бажариш лойиҳаси смета харажатлари жорий нархларда 2498346 минг сўм миқдорида аниқланди..

6.2. Лойиҳанинг иқтисодий асоси

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Замбаркўл-1” хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича малакавий битирув лойиҳасининг вазифаси энг кўп иқтисодий самара берадиган ишни ташкил этиш вариантини аниқлаш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Қурилиш харажатларини камайтириш ҳамда бошқа иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун қурилиш ишларини ташкил этиш ва технологиясини узлуксиз такомиллаштириш, қурилишни индустриялаштириш ва қурилиш жараёнини комплекс механизациялаш лозим.

Унинг иқтисодий самарасини аниқлаш мақсадида қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди:

1. Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Замбаркўл-1” хўжаликлараро коллекторини тизими хизмат қилаётган ҳудудда жойлашган мелиоратив тармоқни тизимли тозалаш, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, суғориладиган ерлардан ер ости сувларини оқиб чиқиб кетишини яхшилашдан иборат мелиоратив тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади.

“Замбаркўл-1” хўжаликлараро коллектори тизими хизмат қиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун коллектор – зовур

тармоқларини ундаги гидротехник иншоотлари билан қайта жихозлаш ишларини ташкил этиш ва бажаришда сарфланадиган капитал маблағ.

2. Ишларни механизациялаш даражаси:

- а) ер ишлари бўйича;
- б) бетон ишлари бўйича.

3.Механизмлар билан:

- а) қурилишни таъминланганлиги;
- б) ишчиларни қуролланганлиги.

4.Энергия билан:

- а) қурилишни таъминланганлиги;
- б) ишчиларни қуролланганлиги.

5.Бир ишчининг йиллик иш унумдорлиги.

6.Машина ва механизмлар фоиз самарадорлиги.

7.Соф фойда.

8.Капитал маблағни қопланиш муддати.

9.Иқтисодий самарадорлик лойиҳавий коэффиценти.

6.3. Иқтисодий ҳисоблар

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Замбаркўл-1” хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича:

1.Объектга сарфланадиган капитал маблағни аниқлаш мақсадида йиғма молиявий смета ҳисоби бажарилади.Ҳисоблар жадвалда келтирилган бўлиб, жами капитал маблағ **2498346**минг сўмни ташкил этиб, бунда қайтариладиган маблағ **10840**минг сўм ва қопланадиган маблағ **2487506**минг сўмдан иборат бўлади.

**Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Замбаркўл-1” хўжаликлараро
коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини ташкил этиш
ва бажариш бўйича йиғма молиявий смета ҳисоби**

4-жадвал

№	Харажатлар тури	Харажатлар		Изоҳ
		Меъёрий %	Миқдори (минг сўм)	
	I қисм			
1	Тайёргарлик ишлари	4	73248	2-бўлимдан
2	Асосий ишлаб чиқариш объектлари	-	1831200	
3	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари	3	54936	2-бўлимдан
4	Энергетик хўжалиги объектлари	2	36624	2-бўлимдан
5	Транспорт хизмати, алоқа ва ободонлаштириш ишлари	5	91560	2-бўлимдан
6	Бошқа турдаги ишлар ва харажатлар	4	73248	2-бўлимдан
7	Монтаж ишлари учун зарур вақтинчалик бино ва иншоотлар	8	146496	2-бўлимдан
I қисм бўйича жаъми			2307312	
8	Маъмурий аппарат (техник назорат билан таъминоти)	1	18312	2-бўлимдан
9	Объектни ишлатувчи ходимларни тайёрлаш	0,5	9156	2-бўлимдан
10	Лойиҳа ва қидирув ишлари	6,5	149976	1-қисм жаъмидан
II қисм бўйича жаъми			177444	
11	Кўзда тутилмаган харажатлар	0,75	13590	2-бўлимдан
12	Жаъми харажатлар		2498346	
13	Қайтариладиган маблағ	7.4	10840	7-бўлимдан
14	Қопланадиган маблағ		2487506	

«Коллектор Қурбонқўл (юкори)» зовурини таъмирлаш-тиклаш ишлари
бўйича маҳаллий ресурс қайдномаси

(узунлиги 180м).

5-жадвал

№	Меъёрлар раками шифри ва ресурслар коди	Иш ва ҳаражатлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори		Смета қиймати	
				Бирлик ўлчовга	Лойиха- вий маълумот	Ҳозирги даражада	
						Бирлик ўлчовга	Умумий
1	2	3	4	5	6	7	8
1	E01-01-031-2 т.ч.рЗп.3.31 K=1,06	Қуввати 96кВт бўлган бульдозер билан 2- гуруҳ тупроқни 10м га суриш билан қирқиш	1000м ³	2,713			729281
1.1.	3	Машинистларнинг меҳнат сарфи	одам/с	11,66	31,63		0
1.2.	259С	Қуввати 96кВт бўлган бульдозерлар сув хўжа- лиги қурилишида	маш/с	11,66	31,63	23054	729281
2	E01-01-093-11 т.ч.рЗп.3.3.101 K=1,28	Чўмичининг ҳажми 0,65(0,5-0,8)м ³ бир чўмичли экскаватор- лар билан 1-гуруҳ тупроқларда канал- лар, дамбалар қуриш	1000м ³	6,968			7018042
2.1	1	Қурувчи-ишчиларнинг меҳнат сарфи	одам/с	16,307	113,63	5108,11	580420
2.2	3	Машинистларнинг меҳнат сарфи	одам/с	35,4944	247,32		0
2.3	2270С	Чўмичининг ҳажми 0,65-(0,5-0,8)м ³ бир чў- мичли экскаваторлар сув хўжалиги қурили- шида	маш/с	35,4944	247,32	26029	6437622
3	E01-01-093-12 т.ч.рЗп.3.3.101 K=1,28	Чўмичининг ҳажми 0,65(0,5-0,8)м ³ бир чў- мичли экскаваторлар билан 2-гуруҳ тупроқ- ларда каналлар, дамбалар қуриш	1000м ³	2,986			3813608
3.1	1	Қурувчи-ишчиларнинг меҳнат сарфи	одам/с	20,698	61,80	5108,11	315703
3.2	3	Машинистларнинг меҳнат сарфи	одам/с	45,01	134,38		0
3.3	2270С	Чўмичининг ҳажми 0,65-(0,5-0,8)м ³ бир чў- мичли экскаваторлар сув хўжалиги қурили- шида	маш/с	45,01	134,38	26029	3497905
4	E01-01-093-12	Чўмичининг ҳажми 0,65(0,5-0,8)м ³ бир чў- мичли экскаваторлар билан 2-гуруҳ тупроқ- ларда муваккат тў- сиқларни қуриш ва олиб ташлаш	1000м ³	0			0
4.1	1	Қурувчи-ишчиларнинг меҳнат сарфи	одам/с	16,17	0,00	5108,11	0

4.2	3	Машинистларнинг меҳнат сарфи	одам/с	35,16	0,00		0
4.3	2264С	Чўмичининг ҳажми 0,65-(0,5-0,8)м ³ бир чўмичли экскаваторлар сув хўжалиги курилишида	маш/с	35,16	0,00	26029	0
5	E01-01-106-8	Қуввати 96(130)кВт (О.К.) бўлган бульдозер билан 2-гуруҳ тупроқни 10м га суриш билан кавальерларни текислаш	1000м ³	1,991			231798
5.1	3	Машинистларнинг меҳнат сарфи	одам/с	5,05	10,05		0
5.2	259С	Қуввати 96кВт бўлган бульдозерлар сув хўжалиги курилишида	маш/с	5,05	10,05	23054	231798
6	E01-02-057-2 т.ч.п.3..184 K=1,15	Қўл кучи билан чуқурлиги 2м гача бўлган мустаҳкамлагичсиз ёнбағирли ковланмаларда 2-гуруҳ тупроқларга ишлов бериш(очиқ кўприклар остидан)	100 м ³	0			0
6.1.	1	Қурувчи-ишчиларнинг меҳнат сарфи	одам/с	184,8	0,00	5108,11	0
7	E01-02-057-2 т.ч.п.3..184 K=1,15	Қўл кучи билан чуқурлиги 2м гача бўлган мустаҳкамлагичсиз ёнбағирли ковланмаларда 2-гуруҳ тупроқларга ишлов бериш(қувурли ўтишлар)	100 м ³	0			0
7.1	1	Қурувчи-ишчиларнинг меҳнат сарфи	сўм	177,1	0,00	5108,11	0
		Қурувчи-ишчиларнинг меҳнат сарфи	сўм				0
		Қурувчи-ишчиларнинг меҳнат сарфи (маш.)	сўм				896123
		Машина ва механизмлар сарфи	сўм				10896605
		ЖАЪМИ тўғри сарфлар					11792728
Йиғма ресурслар қайдномаси							
		Қурувчи-ишчиларнинг меҳнат сарфи	сўм		0,00		0
		Қурувчи-ишчиларнинг меҳнат сарфи (маш.)	сўм		175,43	90,03	896123
		Чўмичининг ҳажми 0,65м ³ экскаваторлар	маш/с		381,71	998,14	9935527
		Қуввати 96 кВт бўлган бульдозерлар	маш/с		41,69	204,31	961078
		ЖАЪМИ машина ва механизмлар сарфи	маш/с		423,40	1202,46	10896605

2.Ишларни механизациялаш даражаси:

А) ер ишлари бўйича:

$$M_{ep} = \frac{V_m}{V_y} * 100 = \frac{1442590}{1445233} * 100 = 99,8 \%$$

Бу ерда: V_m - механизмлар билан бажарилган ер ишлари хажми, м³

V_y – умумий ер ишлари хажми, м³

Б) бетон ишлари:

$$M_{бет} = \frac{V_m^b}{V_y^b} * 100 = \frac{548,7}{603,4} * 100 = 90,9 \%$$

Бу ерда: V_m^b - механизмлар ёрдамида қуйилган бетон ишлари хажми, м³

V_y^b - умумий бетон ишлари хажми, м³

3.Механизм билан:

а) қурилишни таъминланганлиги

$$M_{кур} = \frac{\sum K_{маш}}{K_c} * 100 = \frac{1499007}{2498346} * 100 = 60 \%$$

бу ерда: $\sum K_{маш}$ – машиналар ва механизмлар қийматини йиғиндиси, минг сўм; K_c – қурилиш – монтаж ишлари қиймати, минг сўм

б) ишчиларни қуролланганлиги:

$$M = \frac{\sum K_{маш}}{ИС_{ўрт}} = \frac{1499007}{49} = 30592 \frac{\text{минг сўм}}{\text{ишчи}}$$

4. $ИС_{ўрт}$ – ўртача ишчилар сони, нафар, календар режа бўйича аниқланган.

$ИС_{ўрт}$ = 49 нафар.

5.Энергия билан:

а) қурилишни таъминланганлиги:

$$\mathcal{E}_{кур} = \frac{\Sigma N}{K_c} = \frac{6120}{2498,346} = 2,45 \frac{квт}{млн .сўм}$$

Бу ерда: ΣN – қурилиш машиналарини йиғма қуввати, квт

K_c – йиғма молиявий смета бўйича қурилиш қиймати, млн сўмда.

б) ишчиларнинг қуролланганлиги:

$$\mathcal{E}_{ишчи} = \frac{\Sigma N}{ИСўрт} = \frac{6120}{49} = 125 \frac{квт}{ишчи}$$

6. Бир ишчининг йиллик меҳнат унумдорлиги:

$$Мунум = \frac{K_{кми}}{Рурт} = \frac{2498346}{2,25 * 49} = 22660,7 \text{ мингсўм/ишчи}$$

Бу ерда: $K_{кми}$ – йиллик КМИ қиймати, минг сўм .

7. Механизм ва машиналар бўйича фонд самарадорлиги:

$$\Phi_{сам} = \frac{K_c}{\Sigma K_{маш}} = \frac{2498346}{1499007} = 1,67$$

8.Соф фойдани аниқлаш:

а) Лойихавий тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган қўшимча маҳсулотни қуйидаги 5- жадвалда аниқлаймиз:

Ялпи маҳсулот миқдорини аниқлаш

5- жадвал

№	Экин номи	Ерларни қайта жихозлашдан						Фарқи	
		Аввал			кейин			%	ц
		Экин майдони (га)	Ҳосилдор-лик (ц/га)	Ялпи маҳсулот (ц)	Экин майдони (га)	Ҳосилдор-лик (ц/га)	Ялпи маҳсулот (ц)		
1	Пахта	1645	24	39480	1645	27	44415	112	4935
2	Беда	237	125	29625	237	150	35550	120	5925
3	Бугдой	940	37	34780	940	50	47000	135	12220
4	Сабзавот	235	130	30550	235	150	35250	115	4700
	Жами	3057	-	-	3057	-	-	-	-

б) Қўшимча маҳсулот қиймати, йиллик мелиоратив ва қишлоқ хўжалик харажатлари ва соф даромадни қуйидаги 6-жадвалда аниқлаймиз:

Қўшимча маҳсулот қиймати, йиллик мелиоратив ва қишлоқ хўжалик харажатлари ва соф даромадни аниқлаш

6-жадвал

№	Экин номи	Қўшимча маҳсулотлар миқдори (ц)	1ц маҳсулотни ўртача сотилиш баҳоси (сўм/ц)	Қўшимча маҳсулот қиймати (минг сўм)	1ц экинни етиштириш учун мелиоратив ва қ/х харажатлари (сўм)	Қўшимча маҳсулот учун мелиоратив ва қ/х харажатлари (минг сўм)	Қўшимча соф даромад(минг сўм)
1	Пахта	4935	153000	755055	117620	484671	270384
2	Беда	5925	10925	64730	9145	54184	10546
3	Бугдой	12220	87425	1068333	54888	670731	397602
4	Сабзавотлар	4700	27360	128592	14510	68197	60395
Жами		-	-	2016710	-	1277783	738927

Қўшимча соф фойда қуйидагига тенг бўлади:

$$ҚСФ = КСД - Дс = 738927 - 22168 = 716759 \text{ мингсўм}$$

Бу ерда: КСД – қўшимча соф даромад (минг сўм),

Дс – даромад солиғи (минг сўм) (3% ҚСД дан)

8. Капитал маблағни ўзини-ўзи қоплаш муддати қуйидагича аниқланади:

$$T_k = \frac{K_{\text{кми}}}{КСФ} = \frac{2487506}{716759} = 3,5 \text{ йил}$$

9. Иқтисодий самарадорликнинг лойиҳавий коэффиценти қуйидагига тенг бўлади:

$$E_n = \frac{1}{T_k} = \frac{КСФ}{K_{\text{коп}}} = \frac{716759}{2487506} = 0,285$$

10. Маълумотлар асосида жадвал тузамиз.

**Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Замбаркўл-1” хўжаликлараро
коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини ташкил этиш
ва бажариш бўйича лойиханинг асосий техник-иқтисодий
кўрсаткичлари**

7-жадвал

Т р/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар миқдори
1	Мелиоратив ҳолати яхшиланадиган майдон	га	3057
2	Коллектор-зовур сувларини чиқиб кетишини яхшилаш	га	3057
3	“Замбаркўл-1” хўжаликлараро кол- лекторини тизимини таъмирлаш- тиклаш ишлари учун капитал маблағ	минг сўм	2487506 (2 миллиард 487 миллион 506 минг сўм)
4	Асосий ишларнинг умумий хажми: а) тупроқ ишлари б) бетон ишлари	м ³	1445233 603,4
5	Ишларни бажаришдаги механизациялаш даражаси: а) тупроқ ишлари б) бетон ишлари	%	99,8 90,9
6	Механизмлар билан: а) қурилишни таъминланганлиги б) ишчиларни қуролланганлиги	% минг сўм/киши	60 30592
7	Энергия билан а) қурилишни таъминланганлиги б) ишчиларни қуролланганлиги	Квт/млн сўм Квт/киши	2,45 125
8	Бир ишчининг меҳнат унумдорлиги	минг сўм/ киши	22660,7
9	Фонд самарадорлиги	сўм/сўм	1,67
10	Фойда	минг сўм	716759
11	Капитал маблағни қопланиш лойихавий муддати	йил	3,5
12	Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи	-	0,285

Хулоса

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Замбаркўл-1” хўжаликлараро коллектор тизимини таъмирлаш ва тиклаш ишларини ташкил этиш ва бажариш тадбирлари натижасида юқоридаги келтирилган жадвал маълумотларига кўра **2 миллиард 487 миллион 506 минг сўм** капитал маблағ сарфланади.

Уни эвазига **716 миллион 759 минг сўм** йиллик қўшимча соф фойда олинади. Капитал маблағни қопланиш муддати **3,5** йилга тенг бўлди.

Шунга кўра, иқтисодий самарадорлик лойиҳавий коэффиценти **0,285** ни ташкил этади. Бу кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослаганда:

$$T_l \leq T_m \text{ бўлиши керак яъни } 3,5 \leq 8 \text{ йил}$$

$$E_l \geq E_m \text{ бўлиши керак яъни } 0,285 \geq 0,125$$

Мазкур “Замбаркўл-1” хўжаликлараро коллектор тизимини таъмирлаш-тиклаш, технологик модернизациялаш **3057** га ерларни мелиоратив ҳолатини, коллектор-зовур сувларини оқиб чиқиб кетишини яхшилайти, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди ва Мустақил Республикамизнинг молиявий барқарорлиги ва қишлоқ хўжалигини ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ушбу малакавий битирув иш (лойиҳа) меъёрий талабларга тўла жавоб берганлигини эътиборга олган ҳолда, ишда кўзда тутилган тадбирлар иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ва самарали деб топилди .

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон 1992 й.
2. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, “Ўзбекистон“, 2009 й.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, “Ўзбекистон“, 1992 йил.
4. И.А.Каримов, Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, “Ўзбекистон“, 1993 йил.
5. И.А.Каримов. Юксак малакали мутахассислар-тараққиёт омили. Тошкент, “Ўзбекистон“, 1995 йил.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995 йил.
8. И.А.Каримов. “Буюк келажак сари“, Тошкент, 1998 й.
10. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХИ асрга интилмокда. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999 йил
11. И.А.Каримов «Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашида сўзлаган нутқи» Андижоннома газетаси, 2013 йил 27-апрел №35 (19015).
12. “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Тошкент, 2007 йил 29 октябр
13. Рахимбоев Ф., Хамидов М. – «Қишлоқ хўжалик мелиорацияси». Тошкент 1996 йил.
14. Кац Д.М. Методические рекомендации по контролю за мелиоративным состоянием орошаемых земель. М. 1978 год.
15. Ясинецкий В.Г. Организация, планирование и основы управления водохозяйственным строительством. Москва, “Колос”, 1982 г.
16. А. Хожиматов, У Нематов. Сув хўжалиги қурилишларини ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш. Андижон, «Ҳаёт», 2014 йил.

17.Аҳмедов И.А. Сув хўжалиги қурилишини ташкил қилиш,режалаштириш ва уларни бошқариш, Тошкент, 2010 йил.

18.Методические указание по проведению бонитировки орошаемых почв Узбекистана. Т. 1981 год.

19.Машарипов Ж. "Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш", «Ўзбекистон қишлоқ, хўжалиги» журнали, 2008 йил., № 10.

20.Н.И.Акимов, В.Г. Илин, А.М. Антропов, С.И. Майков Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш объектларида граждан мудофааси Т.1988 йил

21.Ўзбекистон Республикаси Қонунлари: «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992 й.), «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида» (1993й.), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (2002й.), «Ер ости бойликлари тўғрисида» (2003й.), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» (1996й.), «Ўсимлик олами ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1996й.), «Ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» (1997й.), «Ер кодекси» (1998й.), «Шаҳарсозлик кодекси» (2002й.).

22.Абирқулов Қ.Н., Рафиқов А., Ҳожиматов А.Н., Экология. Ўқув қўлланма. Т.: 2004й.

23. Saytlar:

1<http://www.TSAU.uz>

2<http://www.Gridano/aran>

3<http://www.gsi2000ru>

4<http://www.geopribori.ru>

ИЛОВАЛАР